АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАРНИНГ ОЛТИН ЎРДА БИЛАН МУНОСАБАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти Тарихшунослик, архившунослик ва ҳужжатшунослик бўлими кичик илмий ходими ***Бозоров Баҳодир***

Тел +998935282966

e-mail: bakhodirbozorov07@gmail.com

Аннотатсия: Ушбу мақолада Амир Темур ва Темурийлар империясининг Олтин Ўрда билан олиб борган сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва элчилик муносабатларига оид маълумотлар манбалар асосида таҳлил этилади. Шунингдек, Амир Темур ва Темурийларнинг олиб борган дипломатик ва сиёсий алоқаларига ўша давр нуқтаи назари орқали қараш, дипломатик ва элчилик алоқаларнинг моҳияти ҳамда мақсадларини ўрганишга қаратилади.

Калит сўзлар: Олтин Ўрда, Тўхтамиш, Ўрусхон, Дашти Қипчоқ, савдо йўллари, дипломатик муносабатлар, элчилик алоқалари.

Abstract: This article analyzes the political, economic, military, and diplomatic relations between Amir Temur (Tamerlane), the Timurid Empire, and the Golden Horde, based on historical sources. Furthermore, it focuses on evaluating the diplomatic and political interactions of Amir Temur and the Timurids from the perspective of their contemporary era, while examining the essence, mechanisms, and objectives of their diplomatic and embassy relations.

Keywords: Golden Horde, Tokhtamysh, Urus Khan, Dasht-i Qipchaq, trade routes, diplomatic relations, diplomatic missions.

Ўзбек давлатини бошқарган Темурийлар сулоласи (1370 – 1506) жаҳон тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Амир Темур нафақат буюк саркарда ва давлат арбоби, балки моҳир дипломат сифатида ҳам жаҳон тарихида чуқур из

қолдирган. Амир Темур ҳокимият тепасига келгач, бутун Туркистон ҳудудларини бирлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Аввало, бу тарихий зарурият ҳам эди, чунки Амир Темурга қадар Туркистон ва унга ёндош ҳудудларда муғуллар томонидан ҳукмронлиги остида бўлган эди. Аммо 14-юзйиллик бошларига келиб, мўғуллар ҳокимияти заифлашди. Минтақада сиёсий тарқоқлик, бошбошдоқлик кучайди. Чингизхон томонидан ташкил этилган империя парчалиб кетди. Турли ҳудудларда маҳаллий ҳокимиятлар ташкил этилди. Хусусан, Ўрта ва Яқин Шарқда куртлар (маркази Ҳирот), сарбадорлар (Сабзавор, Астробод, Нишопур, Машҳад), музаффарийлар (Форс, Кермон, Курдистон), жалойирийлар (Ироқ, Озарбайжон, Арманистон, Ғарбий Эрон), қорақўюнлийлар (Озарбайжон, Арманистон), отабеклар (Кичик ва Катта Луристон), мамлуклар (Миср ва Сурия) ҳамда бир қатор маҳаллий сулолалар ўзаро зиддиятда эди[1]. Чингизийлар босқини туфайли бутун Шарқ зиддият ўчоғига айланган эди. Бу омиллар Амир Темурни ҳокимият тепасига келгач бутун Туркистон ҳудудини қайтадан бирлаштириш заруриятини юзага келтирди. Амир Темурнинг ташқи сиёсати фақат ҳарбий куч билан эмас, балки нозик ва кўп қиррали дипломатик муносабатларга асосланган эди. Амир Темур ва Темурийларнинг дипломатик муносабатлари ҳақида сўз кетар экан, Соҳибқироннинг давлат бошқарувига оид бўлган “Темур тузуклари” асари кўз олдимизда гавдаланади. Шу ўринда Амир Темур ўз тузукларида қуйидаги фикрларни яъни “Мен салтанат ишларининг тўққиз улуши машварат, тадбир ва кенгаш, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирдим[2]” деган мазмундаги тузук келтириб ўтилади. Ушбу асар орқали Амир Темурнинг давлат нафақат давлат бошқарувини, балки ташқи сиёсат масалаларини ҳам қай тартибда ташкил этиш жиҳатларига урғу берганлигини билиб оламиз.

Амир Темур империяси Хитойдан Ўрта ер денгизигача чўзилган улкан

[1] Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент. 2001. 209-бет.
[2] Амир Темур. Темур тузуклари. ШҚФ. Қўлёзма саноғи 8201. 2б-бет.

ҳудудни ўз ичига олган бўлиб, бу ҳудудда турли халқлар, динлар ва сивилизатсиялар ўзаро туташган бўлиб, Соҳибқирон ўз дипломатик маҳорати орқали турли халқлар, динлар ва сивилизатсиялар ўртасидаги алоқаларни тартибга солинди, балки, империяни юксак тараққий этишига туртки бўлди. Амир Темур ҳарбий сиёсати ва дипломатик маҳорати туфайли 27 мамлакатни ўз тасарруфига олганлиги қайд этади. Хусусан, Амирлар, сипоҳсолорлар, баҳодирлар билан иттифоқ бўлиб, уларнинг мардлиг-у мардонаворлигига таяниб, шамшир зарби билан йигирма етти подшоҳнинг тахтини эгалладим. Эрон, Турон, Рум, Мағриб, Шом, Миср, Ироқи араб, Ироқи ажам, Мозандарон, Гилон, Ширвон, Озарбайжон, Форс, Хуросон, Жета Дашти, Дашти қипчоқ, Хоразм, Хўтан, Кобулистон, Бохтарзамин, Ҳиндистон мамлакатларига подшоҳ бўлиб, ҳукм сурдим[3]. Соҳибқирон шамшир кучи билан олдим деган бўлсада, аввало бундай ҳаракатлар учун иттифоқ ва бошқа ҳукмдорларни ўз тарафига оғдиришдаги моҳирона дипломатик сиёсат ётиши барчамизга аёндир.

Амир Темурнинг Самарқанддаги саройида, у ҳарбий юришларда бўлган вақтларида империянинг турли жойларида уюштирилган барча тантаналарга атроф мамлакатлар элчилари таклиф этилган ва уларга эҳтиром кўрсатилган. Самарқанд яқинидаги Конигилда уюштирилган тўй сайлларида кўплаб чет эллик меҳмонлар, жумладан, қатор хорижий давлатларнинг элчилари ҳам ҳозир бўлганлар. Ибн Арабшоҳ - дунёнинг турли мамлакатларидан армуғон ва совғалар келтирдиларки, шуьлар жумласидан жирафлар, туяқушлар бор эди; Хитой, Ҳинд, Ироқ, Дашт, Синд, Фаранг элчилари ва улардан бошқалар. яқин ва узоқдаги барча қисмлардан келган вакиллар, ҳар бир мухолифу мувофиқ, дўсту душман вакиллари йиғилган эдилар”[4].

[3] Ўша асар. 42а-бет.
[4] Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 1-китоб. Тошкент. 1992. 311 –312-бетлар.

Бу алоқалар ўрнатилишидан аввало иккала томон ҳам манфаатдор эди. Амир Темур тинчликни сақлашда элчилардан фойдаланган. Ўзга мамлакатлардан келган элчиларга алоҳида ҳурмат кўрсатган. Масалан, испан элчиси Клавихо ўз саёҳатномасида Темурийлар саройидаги элчилар қабули ҳақида қуйидаги маълумотларни келтиради. Темурий Мироншоҳ қабулида элчилар кутиб олинишини тасвирлайди. Клавихо Султония шаҳрига келганлигини ва Мироншоҳ билан учрашганлигини, у учун кўйлаклар, мовут газламалар ва бошқа буюмлар совға этганлигини қайд этади. Ўз навбатида Мироншоҳ ҳам элчиларни дастурхонга таклиф этганлигини, кетиш олдидан элчиларга кимхоб тўн кийдирилганлигини қайд этади[5]. Бу ўша давр удумлари эканлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Шунингдек, Клавихо Амир Темурнинг Самарқандда элчилар қабули ҳақида ҳам сўз юритади. Элчилар Соҳибқирон ҳузурига келгач, таъзим қилганлигини, қиролнинг мактубини тақдим этганлигини ва бошқа элчилар қатори супадан жой олганлиги таъкидланади. Хитой ҳукмдори Чуйсхон[6] элчилари юқорида ўтказилганлиги, Амир Темур томонидан хитойлик элчилар пастроққа ўтказилганини ҳам қайд этилади[7]. Клавихо хитойлик элчилар Амир Темурдан ўлпон талаб қилиб келганлигини ва бу уни ғазаблантирганини қўшимча қилади.

Шу ўринда яна Амир Темурнинг ташқи сиёсатидаги ўзига хос бўлган хусусият бу — ҳар бир ҳудудга қилинган юришларда шаҳар ва қалъаларнинг ҳоким ва амирларига элчилар юбориб, уларга аввало шаҳарни тинч йўл билан топшириш талаби юкланган. Амир Темур ўз элчилари орқали шаҳар аҳолисига ҳеч қандай зарар етказмаслигини таъкидлаган. Шаҳар аҳолиси учун омонлик

[5] Руи Гансалес де Клавихо. Самарқандга — Амир Темур саройига саёҳат кундалиги. Тошкент. 2010. 113 – 114-бетлар.

[6] Чуйсхон (1402 – 1424) — Хитойдаги Мин империяси императори Юнлэ (Чжу Ди)нинг испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо кундаликларида тилга олинган номи. Манбаларда бу ном ‘тўққиз подшолик шоҳаншоҳи” маъносини англатиши келтирилган.

[7] Ўша асар. 157-бет.

ваъда қилган. Соҳибқирон алоҳида шахслар учун, масалан, олимлар, дин уламолари ва бошқа шахслар учун ҳам омонлик ёрлиғи берган. Ибн Халдун[8] Амир Темур билан Дамашқда учрашганини ва ундан "ҳар қанақа вазиятда фойдаланиш учун омонлик ёрлиғи сўраганлигини, Амир Темур котибига фармон ёзишни буюриб, Амир Шоҳмалик уни Соҳибқирондан тасдиқлатганини келтиради[9]. Амир Темур вафотидан кейин бошқа темурийлар даврида хусусан, Шоҳруҳ Мирзо, Мирзо Улуғбек ва бошқа темурий ҳукмдорлар даврида ҳам дипломатик алоқалар ривожлантирилиб, илм-фан ва маданий алмашинув билан уйғунлаштирилган.

Амир Темур даврида Туркистонга бўлган хавф шимолдан, яъни Олтин Ўрда (Жўжи улуси) эди. Аммо бу даврга келиб Олтин Ўрда олдинги қудратини йўқотган эди. 14-юзйилликнинг бошларида Олтин Ўрда (Жўжи улуси) иккига — Оқ ва Кўк Ўрдага бўлиниб кетади. Оқ Ўрда таркибига Сирдарё ҳавзаси, Орол денгизидан Ишим ва Сарису дарёларига қадар бўлган ҳудудлар кирган. Кўк Ўрда таркибига Қора денгиз ва Рус князликларининг ғарбий ҳудудлари кирган[10].

Амир Темур Туркистонда ҳокимият тепасига чиққан даврда Олтин Ўрдада Ўрусхон[11] (1361-1380) ҳукмронлик қилар эди. Тахт учун кураш ҳам бошланиб кетган ва унда Тўхтамишхон енгилиб, Амир Темур ҳузуридан паноҳ топган эди. Тўхтамишхон Амир Темур ҳузуридан паноҳ топганини эшитган Олтин Ўрданинг хони Ўрусхон ўз элчиларини Темур ҳузурига юбориб, Тўхтамишни топшириши ёкида икки ўртада уруш бўлиши ҳақидаги хабарни

[8] Ибн Халдун 1332 – 1406) — машҳур араб тарихчиси, Амир Темур билан Дамашқда учрашиб, суҳбатлашган ва у ҳақида муҳим қайдлар қолдирган.

[9] فیشل والتر. تیمورلنگ و خلدون ابن. تهران. ۱۹۵۴. ص. ۷۶-۷۷.

[10] Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент. 2001. 213 – 214-бетлар.

[11] Ўрусхон — (1373–1377) Оқ Ўрда хони, Жўчихон авлодидан.

етказади[12]. Соҳибқирон бу талабни қатъий рад этади. Бундай ҳолат халқаро дипломатик одобга тўғри келмаслиги билдирилади. Бу хусусида Амир Темурнинг ўзи қуйидагиларни келтиради: Тўхтамишхон тахт талашиб (Дашти Қипчоқ) хони Ўрусхондан енгилиб, менинг паноҳимга қочиб келган эди. Ўрусхоннинг элчиси келиб қолди. Элчининг кўнглини овлаб, кетишига ижозат беришни, ўзим эса Дашти Қипчоқ томон юзланиб, элчининг кетидан лашкар жўнатишни мўлжалладим, токи элчи хотиржамлик билан бўлган воқеаларни Ўрусхоннинг мажлисида баён қилсин, эртаси куни менинг қўшинларим қўққисдан уларнинг устига бостириб борсин. Ўрусхон элчиси бўлган воқеаларни сўзлаб бераётган пайтда, лашкарим ногаҳон Ўрусхон устига ёпирилди. Дашти Қипчоқ мамлакати менга бўйсунди[13]. Бундан кўриш мумкинки, Амир Темур ҳам олдиндан Олтин Ўрдадаги вазиятни кузатиб борган ва Олтин Ўрда хони Ўрусхонга қарши урушга ҳам тайёргарлик кўрганлиги унинг бу ҳаракатларидан ҳам аниқ намоён бўлади.

Ўрусхоннинг тўсатдан вафотидан сўнг Олтин Ўрда тахтини унинг ўғли Темур Малик эгаллайди. Темур Малик билан муносабатлар элчилик орқали тинчлик ва ҳудудий чегаралар масаласида муҳокама қилинган. Амир Темур уни иззат-икром билан кутиб олади. Амир Темур Тўхтамишхонни ўз паноҳига олиб, унинг тахтга ўтиришига ҳарбий ва элчилик томонлама ёрдам берганлиги барчамизга аён[14]. Кейинчалик, Тўхтамишхон Амир Темурга қарши ҳаракатларни амалга оширади. Хусусан, Тўхтамишхон ўз нуфузини ошириш учун ҳарбий ҳаракатларини Озарбайжон ва Эронга қаратди. Шунингдек, унинг Хоразмга бўлган даволари ҳам икки ўртадаги муносабатларни ёмонлаштирди[15]. Хатто Туркистон ҳудудларига босқинчилик юришларини ҳам амалга оширади.

[12] نظام الدين شامی. ظفرنامه. تهران. ۱۹۶۳. ص. ۷۶.
[13] Амир Темур. Темур тузуклари. ШҚФ. Қўлёзма саноғи 8201. 30б-бет.
[14] نظام الدين شامی. ظفرنامه. تهران. ۱۹۶۳. ص. ۴۶ – ۷۵.
[15] Ш. Ўлжаева. Амир Темур давлат бошқаруви.Тошкент. 2017. 158-бет.

Тўхтамиш ўша даврдаги Амир Темурнинг душманлари бўлмиш Аҳмад Жалоир[16], Боязид Йилдирим[17] ва Миср султони Барқуқ[18] билан ўзаро алоқалар ўрнатиб, Амир Темурга қарши иттифоқ вужудга келтиради. Соҳибқирон охирги бор Тўхтамиш ҳузурига 1395 йилги жангдан олдин элчилар юборади. Тўхтамиш учун бир хат ёзганлигини, Шамсиддин Олмолиғийни[19] мактуб билан Олтин Ўрдага юборади. У Дарбандда[20] Тўхтамиш ҳузурига етиб бориб, Амир Темурнинг панд-насиҳатларини етказади[21]. Шамсиддин Олмолиғийнинг Тўхтамиш ҳузурига юборилиши хусусида Хондамир ҳам ўз асарида қайд етган[22]. Тўхтамиш дастлаб сулҳга рози бўлиб, кечирим сўрашга ҳам тайёр эди. Аммо айъонлари туфайли сулҳ тузиш фикридан қайтади. Охир-оқибат ўртада жанг бўлиб, Тўхтамишни сиёсий майдондан олиб ташлайди. Амир Темурнинг асосий мақсади амалга ошади яъни шимолий карвон йўлларини ўз назоратига ўтказади. Бу орқали ўз салтанатининг иқтисодий аҳволини янада яхшилаш ва савдо йўллари орқали ўзининг сиёсий таъсирини кенгайтириб борди.

Амир Темурнинг Тўхтамишга қарши юришларидан олдин Усмонийлар султони бўлмиш Йилдирим Боязидга элчилар орқали мактуб юбориб, ушбу мактубда Олтин Ўрдани бўлиб олиш масаласини баён этади. Унга кўра Днепр дарёсининг ўнг томони Амир Темурга, сўл томони Боязид учун қарашли эканлиги ҳақида фикр келтирилади. Темур Боязиднинг Болқонга қарши

---

[16] Аҳмад Жалоир — Жалоирийлар сулоласининг вакили, Бағдод ва Озарбайжон ҳукмдори. Амир Темурга қарши узоқ йиллар курашган ва Тўхтамиш ҳамда Боязид I билан иттифоқ тузишга уринган.

[17] Боязид Йилдирим (1359 – 1403)— усмонлилар сулоласига мансуб Туркия султони (1389 – 1402).

[18] Барқуқ —черкас мамлукларидан бўлган Миср султони (? - 1399).

[19] Шамсиддин Олмолиғий — яшаган, Амир Темур (Соҳибқирон) саройида фаолият юритган машҳур олим

[20] Дарбанд (Доғистон) — Каспий денгизи соҳилида жойлашган қадимий шаҳар.

[21] Омонулло Бўриев. Темурийлар даври манбаларида Марказий Осиё. Тошкент. 102-бет.

[22] غیاث الدین ابن همام الدین الحسینی. (خواند امیر). حبیب السیر فی اخبار افراد بشر. تهران. ۲۰۰۱. ص. ۱۵۸.

жиҳодини мақтайди[23]. Аммо бу таклифларни Боязид қабул қилмайди. Амир Темур эса аввал Тўхтамишхонга, озроқ кейин Йилдирим Боязидга қарши зарбалар беради.

Амир Темур ва Тўхтамишхон муносабатлари шундан кейин ҳам тўхтамаган, Тўхтамишхон мағлубиятдан 10 йил ўтгач, Амир Темур Ўтрорда Хитой томон юришга чиққан пайтда унинг ҳузурига элчи юборганлиги қайд этилади. Тўхтамишхон элчилари орқали гуноҳлари учун кечирим сўрагани ва пушаймонлиги айтилади. Соҳибқирон уни кечириб, Хитой сафаридан қайтгач, Олтин Ўрда тахтини қайта эгаллашига ёрдам беришини ваъда қилади[24]. Аммо Соҳибқироннинг бевақт ўлими туфайли бу ваъда амалга ошмайди. Лекин Амир Темур Тўхтамишхоннинг шунча қилган ишларидан кейин ҳам уни кечириб, қайта имкон бериши бу ҳақиқий мардлик ва жасорат белгиси эканлиги шубҳасиз.

Амир Темурдан кейинги Темурий ҳукмдорлар Шохрух Мирзо, Мирзо Улуғбек ва бошқалар даврида ҳам ўзаро элчилик ва дипломатик алоқалар давом этаверган. Хусусан, Дашти Қипчоқ хони Бурок ўғлон[25] дастлаб Улуғбекдан сиёсий ва ҳарбий ёрдам олиб, ўз ҳокимиятини кучайтиргач, Мирзо Улуғбекдан Сирдаё бўйидаги Сиғноқ[26] шаҳрини талаб этиб элчи юборади. Элчи орқали Буроқхон Сиғноқ азалдан унга тегишли эканлиги, чунки Ўрусхон Сиғноқда қаср қурганлигини айтади[27]. Охир-оқибат икки ўртада катта жанг

[23] تاریخ ایران :دوره تیموریان .پژوهش از دانشگاه کمبریج .مترجم داکتر یعقوب آژند .تهران .۲۰۰۰ .ص .۸۱

[24] Омонулло Бўриев. Темурийлар даври манбаларида Марказий Осиё. Тошкент. 1997. 104-бет.

[25] Бурок ўғлон (? — 1428) — дашти қипчоқлик ҳукмдор (1423—28). Ўрусхоннинг набираси.

[26] Сиғноқ — Сирдарёнинг қуйи оқимида, ҳозирги Қозоғистоннинг Қизилўрда вилояти жанубида жойлашган қадимги тарихий шаҳар.

[27] Ҳәсән бәй Румлу. Әҳсәнүт-тәварİх. Кастамону. 2017. S. 128.

бўлиб, Улуғбекнинг мағлубияти билан якунланади. Шундан кейин Дашти Қипчоқ ҳудудлари томон деярли ҳарбий ҳаракатлар амалга оширилмайди.

Кейинги даврда Темурий ҳукмдорларнинг ўзаро зиддият ботқоғига ботиши туфайли Дашти Қипчоқ ҳукмдорлари бўлган шайбонийлардан асосан ҳарбий ёрдам олинганлиги қайд этилади. Хусусан, Темурий Абу Саид Мирзо[28] шайбоний ҳукмдор Абулхайрхондан[29] сиёсий мадад олганлиги келтирилади.

Соҳибқирон замонида халқаро савдо-сотиқ алоқалари ривожлантирилиб, тадбиркорликка кенг имкониятлар яратилди. Амир Темур кўпгина Шарқ ва Ғарб давлатлари раҳбарларига битган мактубларида хам, аввало, халқаро савдо-сотиқ ва тадбиркорларга катта имтиёзлар бериш лозимлиги, давлат тараққиётига айнан тадбиркорлар катта таъсир кўрсатиши мумкинлигини алоҳида таъкидлаб ўтган. У тадбиркорларга имтиёзлар яратиш ва уларнинг фаолиятини кафолатлаш мақсадида Буюк ипак йўлининг фаолиятини бир маромга солиб, ҳар бир бекатга алоҳида бекатлар тайинладики, натижада карвонларнинг бир манзилдан бошқа жойга бехатар етиб бориши таъминланди. Соҳибқирон карвон йўлларидаги ҳуқуқбузарликларга жавобгарликни шу ҳудудларнинг ҳоким-у маъмурларига юклади. Амир Темур ўз давлатини нафақат сиёсий томонлама, балки иқтисодий томонлама ҳам юксалтириш учун Хитой, Ҳиндистон, Дашт, Европа давлатлари ва бошқа мамлакатлар билан савдо алоқаларини ривожлантирди. Савдо алоқаларини юксалтиришни ўз дипломатиясининг бир қисми сифатида татбиқ этди. Амир Темур даврида Самарқандда дунёнинг турли мамлакатларидан савдогарлар ўз маҳсулотларини келтириб сотар эдилар. Бу ҳақида испан элчиси Клавихо ҳам ўз эсталикларида баён этади. Хусусан,

[28] Абу Саид Мирзо — Темурийлардан бўлган Мовароуннаҳр (1451-69) ва Хуросон (1458-69) ҳукмдори. Мироншоҳнинг набираси.

[29] Абулхайрхон (1412 – 1468 йил) — тарихда Кўчманчи ўзбеклар давлати деб ном олган давлат асосчиси.

Самарқандда Рушия ва Тотористондан чарм ва газмол, Хитойдан шойи газламалар, атласлар, ёқут, олмос, зираворлар, Ҳиндистондан зираворлар, турли бўёқлар, мускат ёнғоғи келтирилган[30]. Элчилик ишларига алоҳида эътибор қаратди. Элчи сифатида дона ва оқил инсонлар хизматидан фойдаланди.

Темурийлар ташқи муносабатларида кўзга ташланадиган яна бир қирра шуки, уларнинг хориж ҳукмдорлари билан ёзишмаларида ёки элчиларнинг ҳукмдорлар билан мулоқотларида, албатта, савдо алоқаларини йўлга қўйиш ёки мустаҳкамлаш ва савдогарлар хавфсизлигини таъминлаш каби масалалар кўтарилганлигини кўрамиз. Бу эса темурий хукмдорларнинг савдо-иқгисодий алоқаларга нақадар жиддий эътибор берганлигидан далолат беради.

Амир Темурнинг вафотидан сўнг у барпо этган улкан давлатни бир марказга бўйсундириш учун Шоҳрух ҳарбий куч қўллаш билан бир қаторда дипломатия сиёсатига ҳам катта эътибор берган. Шоҳрух Мирзо даврида темурийлар империяси қайта юксалди. Қўшни ва олис мамлакатлар билан савдо ва дипломатик алоқаларини олиб борган. 15-юзйилликнинг биринчи ярмида билан Рум (Кичик Осиё), Миср, Ҳиндистон, Хитой мамлакатлари орасида дипломатик алоқалар йўлга қўйилган эди. Шоҳрух Мирзо даврида Амир Темур каби тинчлик-тотувликка, яхши қўшничиликка, савдо-сотиқни ривожлантириш, карвон йўлларида хавфсизликни таъминлашга, демак, халқаро ҳуқуқ меёрларига қатъий амал қилишга интилганлар. Шоҳруҳ Мирзо, Мирзо Улуғбек ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳукмронлиги даврида дипломатик алоқалар ва элчилик муносабатлари асосан савдо йўллари хавфсизлигини таъминлаш, сиёсий иттифоқлар тузиш ва иқтисодий-маданий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган эди. Темурийлар империяси ўз даврининг энг қудратли давлатлари сифатида Хитой (Минг сулоласи),

[30] Руи Гансалес де Клавихо. Самарқандга -Амир Темур саройига саёҳат кундалиги. Тошкент. 2010. 200-бет.

Ҳиндистон (Вижаянагар салтанати ва Демли султонлиги), Миср мамлуклари, Усмонийлар империяси ва бошка давлатлар билан фаол элчилик алоқаларини олиб борган.

Хорижий давлатга борадиган элчиликни ташкил этиш, хориждан келадиган элчиларни кутиб олиш, қабул маросимларини ташкил этиш, элчиларга хизмат кўрсатиш каби ҳар бир масаланинг ўз мутасаддиси темурийлар саройида тайин қилинган. Саройда мунший[31] девони фаолият кўрсатиб турган ва темурий ҳукмдор номидан хорижий шоҳу султонларга юбориладиган мактубнинг мукаммал, назокатомуз иборалар билан безатилган бўлиши ва аксинча, хориж ҳукмдорларидан келадиган мактубларни таржи- ма қилиш, уларнинг нусхасини олиш каби масалалар мазкур девоннинг масъулиятига кирган[32]. Албатта, Амир Темур ва бошқа темурийлар ҳам ташқи сиёсат ва дипломатик алоқаларга жиддий эътибор қаратганлар. Шу сабабли, элчилар қабули, мактублар, элчилик муносабатлари ва бошқа ташқи сиёсатга оид масалалар алоҳида давлат эътиборига олинганлиги кўришимиз мумкин. Умуман олганда, Темурийлар даврида ўзбек давлатчилиги ва дипломатик сиёсати ўзининг энг юқори босқичига кўтарилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. فیشل والتر .تیمورلنگ و خلدون ابن .تهران .۱۹۵۴.
2. نظام الدین شامی. ظفرنامه. تهران. ۱۹۶۳. .
3. ۱۹۶۳. نظام الدین شامی. ظفرنامه. تهران
4. غیاث الدین ابن همام الدین الحسینی. (خواند امیر). حبیب السیر فی اخبار افراد بشر. تهران. ۲۰۰۱. .

[31] Мунший (арабча — котиб, ижодкор) — Темурийлар давлати бошқарув тизимида (девонхонада) нуфузли ва масъулиятли давлат котиби (бош котиб) вазифасини бажарган.

[32] М. М. Хайруллаева. Ўзбек дипломатияси тарихидан. Тошкент. 2003. 103-бет.

5. تاریخ ایران :دوره تیموریان .پژوهش از دانشگاه کمبریج .مترجم داکتر یعقوب آژند .تهران ۲۰۰۰.

6. Амир Темур. Темур тузуклари. ШҚФ. Қўлёзма саноғи 8201.

7. Ҳәсән бәй Румлу. Әҳсәнӱт-тәварİх. Кастамону. 2017.

8. Руи Гансалес де Клавихо. Самарқандга -Амир Темур саройига саёҳат кундалиги. Тошкент. 2010.

9. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Тошкент. 1992.

10. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент. 2001.

11. Омонулло Бўриев. Темурийлар даври манбаларида Марказий Осиё. Тошкент. 1997.

12. Ш. Ўлжаева. Амир Темур давлат бошқаруви. Тошкент. 2017.

13. М. М. Хайруллаева. Ўзбек дипломатияси тарихидан. Тошкент. 2003.